Ўзбекистон Ногиронлар Ассоциацияси

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлим

Н И З О М И

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР:

1.1. Ўзбекистон Ногиронлар Ассоциациясининг **Қорақалпоғистон Республикаси** ҳудудий бўлими (бундан кейин матнда «Ҳудудий бўлим» деб юритилади) ўз аъзоларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек ушбу Низомда белгиланган мақсад ва вазифаларига эришиш учун ташкил этилган, ногиронларни нодавлат нотижорат ташкилоти ҳисобланиб, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли Уюшма деб ҳисобланади.

1.2. Ҳудудий бўлим ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси «Нодавлат нотижорат ташкилотлари кафолатлари тўғрисида»ги, қонунлари, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятларини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Ногиронлар Ассоциация УСТАВИ ҳамда мазкур НИЗОМ асосида амалга оширади.

1.3. Ҳудудий бўлим Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тегишли ҳудудий Адлия бошқармасидан, белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб юридик шахс ҳисобланади ҳамда ўзининг мустақил баланси, мол-мулки, банк муассасаларида миллий ва чет эл валюталаридаги ҳисоб рақамлари, расмий номи ёзилган думалоқ муҳри ва бурчак штампи ҳамда бошқа ўз фаолиятига зарур бўлган атрибутика ва реквизитларга эга бўлиш ҳуқуқига эга.

1.4. Низом мақсадларига эришиш учун ҳудудий бўлим бошқа ташкилотлар билан шартномалар тузиш, мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин, судда даъвогар ва жавобгар сифатида иштирок этади.

1.5. Ҳудудий бўлим ўз фаолиятини **Қорақалпоғистон Республикаси** ҳудудида амалга оширади.

1.6. Ҳудудий бўлим фаолияти номуайян муддатга ташкил қилинган.

1.7. Ҳудудий бўлим ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли бўлган барча мол-мулки билан жавоб беради. Давлат органлари, ҳамда корхоналар, Ҳудудий бўлим мажбуриятлари ва қарзлари юзасидан жавоб бермайдилар. Ҳудудий бўлим давлат, органлари ҳамда корхоналари, мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди.

1.8. Ўзбекистон Ногиронлар Ассоциацияси, Ҳудудий бўлим мажбуриятлари ва қарзлари юзасидан жавоб бермайди. Ҳудудий бўлим Ўзбекистон Ногиронлар Ассоциацияси мажбуриятлари ва қарзлари юзасидан жавоб бермайди.

1.9.Ҳудудий бўлим ўз аъзолари мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Ҳудудий бўлим аъзолари Ҳудудий бўлим мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

1.10. Ҳудудий бўлимнинг тўлиқ номи:

Ўзбек тилида: Ўзбекистон Ногиронлар Ассоциацияси **Қорақалпоғистон Республикаси** ҳудудий бўлими.

Рус тилида: **Каракалпакское Республиканское** территориалное отделение Ассоциации Инвалидов Узбекистана.

1.11. Қорақалпоғистон Республикаси Ҳудудий бўлим жойлашган ери (почта манзили):

_____

_____

_____

1.12. Ҳудудий бўлим, почта манзили ўзгарган тақдирда, бу ҳақда уни рўйхатдан ўтказган органга хабар беради.

1.13. Ҳудудий бўлим юқори органининг жойлашган ери (почта манзили):

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 135 уй.

II. ҲУДУДИЙ БЎЛИМ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ:

2.1. Ҳудудий бўлим мақсади: ўз аъзоларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этиш, уларни ҳимоя қилиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

2.2. Ҳудудий бўлим **вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:**

ижтимоий-иқтисодий ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида Ҳудудий бўлим аъзолари ва давлат органлари ўртасида ижтимоий шерикликни ўрнатишга кўмаклашиш;

ногиронлиги бўлган шахсларга, бошқа фуқаролар қатори ҳуқуқларини амалга оширишида, тенг имкониятлар яратиш;

ногиронлиги бўлган шахсларни жамият фаолиятининг барча соҳаларига тўлиқ ва самарали жалб этиш;

“Ногиронлар ҳуқуқлари” тўғрисидаги БМТ Конвенциясини миллий ҳуқуқ тизимига татбиқ (имплементатсия) этишида ва амалга оширишида кўмаклашиш;

2.3. Ҳудудий бўлим **ўз мақсад ва вазифаларига эришиш учун қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:**

ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларини ҳал қилиш мақсадида, Ҳудудий бўлим аъзолари ва давлат ташкилотлари ўртасида ижтимоий шерикчиликни ўрнатилишига кўмаклашади;

Ҳудудий бўлим аъзоларининг фаолиятини мувофиқлаштиради, миллий ва халқаро ташкилотларда уларнинг умумий манфаатларини ифодалайди;

ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасига тааллуқли таклиф ва тавсиялар тайёрлайди;

ногиронлар манфаатларига тегишли қонун ҳужжатлари, стратегия ва дастурлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнларида иштирок этади;

Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларига, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳаларига оид меъёрий ҳужжатлар

лойиҳаларини ишлаб чиқади ва таклифлар киритади;

ногиронлиги бўлган шахслар манфаатларига тааллуқли қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларнинг ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг бошқалар билан тенг равишда ҳамжамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, ва маданий ҳаётга тўлиқ иштирок этишини таъминлаш масалаларини ҳал этишга кўмаклашади;

ногиронлиги бўлган шахсларга уларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқларини амалга оширишга кўмаклашади;

ногиронлиги бўлган шахсларга уларнинг таълим олишга оид ҳуқуқларини амалга оширишга кўмаклашади;

ногиронлиги бўлган шахсларга уларнинг маданий ҳаётга, дам олишга ва спорт билан шуғулланишга оид ҳуқуқларини амалга оширишга кўмаклашади;

ногиронлиги бўлган шахсларга уларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини амалга оширишга кўмаклашади;

ногиронлиги бўлган шахсларга жисмоний, ижтимоий, иқтисодий, турмушнинг барча жабҳаларида ҳар тарафлама иштирок этиш имкониятига эга бўлиши учун ногиронларнинг бошқалар билан тенг равишда жисмоний муҳитдан, транспортдан, ахборот ва алоқадан, шу жумладан, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш учун қулай шароитлар яратилишига кўмаклашади;

бутун жамиятнинг, шу жумладан, оила даражасида ногиронлик масалалари бўйича билимини ошириш ҳамда ногиронлиги бор бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва қадр-қимматини ҳурмат қилишни мустаҳкамлашда кўмаклашади;

ишлаб чиқариш базасини, маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш муассасалари тармоғини яратади ва ривожлантиради;

Ўзбекистон Республикаси қонунларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади;

2.4. Лицензиялаш лозим бўлган фаолият лицензия олингандан кейин Ҳудудий бўлим томонидан амалга оширилади.

2.5. Ҳудудий бўлим қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

III. ҲУДУДИЙ БЎЛИМ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ:

3.1. Ҳудудий бўлим қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини, ҳамда жамоатчиликни ногиронлиги бўлган шахсларга ва Ҳудудий бўлим аъзоларининг муаммолари ва эҳтиёжлари ҳақида хабардор қилишга, уларни ечимини топиш бўйича таклифлар киритишга;

- ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишга ва киритишга;

- ногиронлиги бўлган шахсларнинг манфаатларига дахлдор масалалар бўйича давлат ҳокимияти органларининг қарор лойихаларини ишлаб чиқилишида иштирок этишга;

- жамият ҳаётининг турли масалалари бўйича ташаббус кўрсатишга, давлат ҳокимияти органларига таклифлар киритишга;

- давлат ҳокимияти органларида хамда барча миллий ва халқаро ташкилотларда ўз аъзоларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ифодалашга ва ҳимоя қилишга;

- ўз фаолияти ҳақида маълумотларни эркин тарқатишга;

- конференциялар, семинарлар, тренинглар, кўргазмалар, концертлар, марафонлар, ўқув курслари, спорт тадбирлари ўтказишга, ҳуқуқий хизматлар кўрсатишга, ахборот марказлари ташкил этишга;

- ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқларини ҳимоя килиш ва амалга оширишга кўмаклашиш;

- халқаро алоқаларни ўрнатиш ва тегишли битимлар тузишга;

- ногиронлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимояловчи, уларнинг муаммолари билан шуғулланувчи маҳаллий ва чет эл ташкилотларининг тажрибаларини ўрганиш ҳамда ўз тажрибалари билан бошқа ташкилотлар вакиллари

билан фикр алмашуви, дўстлик алоқаларини ўрнатиш, бу соҳага тааллуқли турли семинар ва конференциялар ташкил этиш ва уларда иштирок этишга;

- тадбиркорлик билан шуғулланишга ва тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш;

- давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолияти устидан жамоат назоратини ўтказиш;

- Ҳудудий бўлим қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

3.2. Ҳудудий бўлим қуйидаги мажбуриятларга эга:

- Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига амал қилиш;

- рўйхатга олган органга, солиқ ва статистика органларига ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этиш;

- рўйхатдан ўтказувчи органга, ўзи ўтказаётган тадбирлар ва фаолият билан танишиш учун эркин кириш имконини бериш, шунингдек рўйхатдан ўтказувчи, Ўзбекистон Ногиронлар Ассоциация марказий аппарати, солиқ ва статистика органларига белгиланган тартибда ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этиш.

- ўз мол-мулки ва пул маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги ахборот билан танишиш эркинлигини таъминлаш;

- рўйхатга олган органга бошқарув органлари қарорларининг нусхаларини бир ойлик муддатда тақдим этиш;

- Ҳудудий бўлим қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

IV. ҲУДУДИЙ БЎЛИМ АЪЗОЛАРИ, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ:

4.1. Ҳудудий бўлим аъзолари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

Ўзбекистон Ногиронлар Ассоциацияси Уставини ва мазкур Низомни тан олган хамда тегишли ҳудудида қонунчиликда белгиланган тартибда фаолият қўрсатаётган

ногиронларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таминлаган ташкилот ва корхоналар, Ҳудудий бўлимга аъзо бўлишлари мумкин.

Ҳудудий бўлим аъзолари тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

4.2. Ҳудудий бўлимга аъзо бўлиш ва ундан чиқиш ихтиёрий равишда амалга оширилади.

Ҳудудий бўлим аъзолигига қабул қилиш ва унинг аъзолигидан чиқариш Ҳудудий бўлим

Кенгаш қарори асосида амалга оширилади.

Ҳудудий бўлим аъзолигига қабул қилиш тўғрисида ариза Ҳудудий бўлим Кенгашига тақдим этилади. Ҳудудий бўлим аъзоликка қабул қилиш ҳақидаги қарор Ҳудудий

бўлим Кенгаши мажлисида овоз бериш орқали кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Кириш

бадали ва аъзолик миқдори Ҳудудий бўлим Кенгаш қарори билан белгиланади. Бадаллар

миқдори заруриятга қараб Ҳудудий бўлим Кенгаши томонидан ўзгартириб турилиши мумкин.

Ҳудудий бўлим аъзолигидан чиқариш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолатларда қабул қилинади, аъзоликдан ихтиёрий равишда чиқиш ҳолати бундан мустасно:

- Нодавлат нотижорат ташкилотларига тааллуқли қонунчилик талабларини бузганлиги, шунингдек ушбу Низом талабларини бузганлиги учун;

- Ҳудудий бўлим аъзоси ўз мажбуриятларини мунтазам равишда бажармаганлиги учун;

- Агар Ҳудудий бўлим аъзосининг амалда ошираётган фаолияти Ҳудудий бўлимнинг мақсад ва вазифаларига зид бўлса;

- Аъзоликдан чиқариш масаласи бўйича қарор қабул қилинаётганда мазкур Ҳудудий бўлим аъзоси вакили Ҳудудий бўлим Кенгашининг ушбу йиғилишида иштирок этиши лозим. Мажлисга сабабсиз келмаган ҳолатда, аъзоликдан чиқариш бўйича қарор Ҳудудий бўлим мазкур аъзосининг иштирокисиз ҳам қабул қилинади. Ҳудудий бўлим аъзоси аъзоликдан чиқарилиши ҳақидаги масала куриб чиқилаётганида овоз беришда қатнашмайди.

Ҳудудий бўлим аъзолигидан чиқиш тўғрисидаги ариза келиб тушган кундан бошлаб икки ой муддат ичида куриб чиқилади.

Аъзога аъзоликдан чиқарилганлик тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг бир ой ичида маълум қилинади.

Аъзоликдан чиққанларга аъзо бўлиб кирганлик бадали ва тўланган аъзолик бадаллари ҳамда моддий, молиявий шаклдаги хайрия ва эҳсонлар қайтарилмайди.

4.3. Ҳудудий бўлим аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Ҳудудий бўлимнинг барча тадбирларида иштирок этиш.

- Ўз вакиллари орқали Ҳудудий бўлим бошқаришда қатнашиш, унинг раҳбар органларини таркибига кириш

- Ҳудудий бўлим фаолиятига таалуқли масалалар бўйича раҳбар органларига таклифлар киритиш.

- Ҳудудий бўлим фаолияти ҳақида маълумот олиш.

- Ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун Ҳудудий бўлим органларига мурожаат этиш.

- Давлат хокимияти ва бошқарув органларида ўз масалалари кўриб чиқилишида Ҳудудий бўлим кўмагидан фойдаланиш.

- Ўз вакиллари орқали сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайлаш ва сайланиш.

4.4. Ҳудудий бўлим аъзолари қуйидаги мажбуриятларга эга:

- Ҳудудий бўлим Низомига риоя этиш.

- Ҳудудий бўлим фаолиятида бевосита иштирок этиш.

- Ҳудудий бўлим мулкига ва обрусига зарар етказадиган ҳаракатларга йўл қўймаслик.

- Ҳудудий бўлим раҳбар органларининг қарорларини бажариш.

4.5. Ҳудудий бўлим аъзолари – ўз эркинлиги ва юридик шахс ҳуқуқларини сақлаб қоладилар. Ҳудудий бўлим ўз аъзоларини ички ишларига аралашмайди.

V. ҲУДУДИЙ БЎЛИМ ТУЗИЛМАСИ ВА РАҲБАР ОРГАНЛАРИ:

5.1. Ҳудудий бўлим таркиби Ҳудудий бўлим хузурида ташкил этилган корхоналар, деҳқон-фермер хўжаликлари, муассасалар, жамғармалар, нашриётлар, ташкилотлардан иборат.

5.2. Ҳудудий бўлим раҳбар органлари қуйидагилардан иборат:

- Конференция;

- Кенгаш;

- Раис;

- Тафтиш комиссия;

ҲУДУДИЙ БЎЛИМ конференцияси:

5.3 Ҳудудий бўлимининг олий раҳбар органи конференция ҳисобланади **(**кейинги ўринларда – Конференция**)** мазкур Конференция заруриятга қараб, аммо беш йилда камида бир марта чақирилади. Конференция Ўзбекистон Ногиронлар Ассоциацияси Раиси ёки Ҳудудий бўлим Раиси талаби билан чақирилиши мумкин.

5.4. Ҳудудий бўлим аъзоларининг вакиллари Конференция делегатлари

ҳисобланади. Ҳудудий бўлим аъзоларининг ҳар биридан Конференция делегати сифатида учтадан делегатлар иштирок этади.

5.5. Ҳудудий бўлим Кенгаши, Ҳудудий бўлим аъзоларининг ҳар бирини, Конференцияни кун тартиби лойиҳаси, Конференцияни ўтказиш жойи ва вақти тўғрисида Конференция ўтказиш санасидан бир ойдан кам бўлмаган муддатда хабардор қилади.

5.6. Конференцияда Ҳудудий бўлим аъзоларининг 50 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги вакиллари қатнашганда, ваколатли ҳисобланади ва қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

5.7. Конференция йиғилишида овоз бериш очиқ ёки яширин бўлиши мумкин.

5.8. Ҳудудий бўлим Конференция қуйидаги ваколатларга эга:

- Ҳудудий бўлим раиси ва тафтиш комиссиясияни ҳисоботини тинглайди ва баҳо беради;
- Ҳудудий бўлимининг ривожланиш дастурини тасдиқлайди ва истиқболини белгилайди;
- Ҳудудий бўлим Кенгаш аъзоларини беш йил муддатга сайлаш ва уларнинг сон жиҳатдан таркибини белгилаш;
- Тафтиш комиссия аъзоларини ва унинг раисини беш йил муддатга сайлаш, унинг сон жиҳатдан таркибини белгилаш;

ҲУДУДИЙ БЎЛИМ КЕНГАШИ:

5.9. Ҳудудий бўлим Кенгаши Конференциялар орасида раҳбар орган ҳисобланади.

5.10. Ҳудудий бўлим Кенгаш йиғилишлари Ҳудудий бўлим Раиси томонидан заруриятга қараб, аммо бир йилда бир мартадан кам бўлмаган равишда чақирилади.

5.11. Ҳудудий бўлим Кенгаш йиғилишида Кенгаш аъзоларининг 50 фоиздан кам бўлмаган миқдори қатнашса, у ваколатли ҳисобланади ва қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

5.12. Ҳудудий бўлим Кенгаши қуйидаги ваколатларга эга:

- Конференция қарорларини бажарилишини таъминлаш;
- Ҳудудий бўлим аъзолигига қабул қилиш ёки аъзоликдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Ҳудудий бўлим фаолиятини ривожлантириш стратегиясини белгилаш;
- Ўзбекистон Ногиронлар Ассоциация конференциясига делегатлар сайлаш;
- Ҳудудий бўлим Раисининг жорий йилининг ҳисоботини эшитиш ва тасдиқлаш;
- Ҳудудий бўлим иш режасини тасдиқлаш.
- Ҳудудий бўлим харажатлар сметасини тастиқлаш

ҲУДУДИЙ БЎЛИМ РАИСИ:

5.13. Ҳудудий бўлим Раиси, Ўзбекистон Ногиронлар Ассоциацияси Раиси томонидан ловозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

5.14. Раиснинг ваколатига қуйидагилар киради:

- Ҳудудий бўлим номидан ҳаракат қилиш ва унинг манфаатларини барча миллий ва халқаро ташкилотларда ишончномасиз ифодалаш;
- Ҳудудий бўлим фаолиятига тааллуқли буйруқлар ва фармойишлар чиқариш;
- Ҳудудий бўлим молиявий ва юридик ҳужжатларини имзолаш;
- Ҳудудий бўлим номидан ишончномасиз битим ва шартномалар тузиш ва учинчи шахслар олдида Ҳудудий бўлим манфаатларини ифодалаш;
- Ҳудудий бўлим молиявий маблағлари ва мулкини бошқариш;
- Банк муассасаларида ҳисоб рақамларини очиш ва ёпиш;
- Ҳудудий бўлим бошқарув органларига раҳбарлик қилиш ва уларни бошқариш;
- Ҳудудий бўлим корхоналарини ташкил этиш тўғрисида буйруқлар чиқариш ва ушбу корхоналар раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва ишдан бўшатиш;

- Ҳудудий бўлим бошқарув Аппаратини шакллантиради, унга раҳбарлик қилади.

- Ҳудудий бўлимининг молиявий ва хўжалик фаолияти учун шахсан масъул ва жавобгар шахс ҳисобланади;

- Ўзбекистон Ногиронлар Ассоциацияси рахбар органларининг қарорларини ва топшириқларини хамда Низом вазифаларни бажарилишига шахсан масъул ва жавобгар шахс ҳисобланади;

- Ҳудудий бўлим Кенгаш мажлисларини камида бир йилда бир маротаба ўтказилишига шахсан масъул ва жавобгар шахс ҳисобланади;

БОШҚАРУВ АППАРАТИ:

5.15. Ҳудудий бўлимининг ижроия органи, бошқарув Аппарати ҳисобланади, уни Ҳудудий бўлим Раиси шакллантиради ва унга раҳбарлик қилади. бошқарув Аппаратининг асосий фаолияти Ўзбекистон Ногиронлар Ассоциацияси ва Ҳудудий бўлим бошқарув органларининг қарорларини ижросини таъминлашдан иборат.

5.16. Ҳудудий бўлим Раиси бошқарув Аппарат ходимларини ишга қабул қилади ва уларни амалдаги қонунчилик ва меҳнат шартномаларида назарда тутилган асослар бўйича

ишдан бўшатади. Ҳудудий бўлим Раиси бошқарув Аппарат ходимларининг иш ҳақи миқдори

ва тўлаш тартибини, уларнинг лавозим бўйича мажбуриятларини белгилайди, бошқарув

Аппарат ходимларининг штат жадвалини белгилайди ва тасдиқлайди.

МЕҲНАТГА ОИД ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР:

5.17. Ҳудудий бўлим бошқарув Аппарати ходимларининг меҳнатга оид ўзаро муносабатлари ички меҳнат тартиби билан белгиланади.

5.18. Ҳудудий бўлим бошқарув Аппарати ходимларига нисбатан меҳнат қонунчилиги, ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурта талаблари татбиқ этилади.

ТАФТИШ КОМИССИЯСИ:

5.19. Ҳудудий бўлим молиявий-хўжалик фаолияти бўйича назоратни амалга оширувчи, назорат – тафтиш органи, тафтиш комиссияси ҳисобланади.

5.20. Тафтиш комиссиясининг йиғилишлари заруратга қараб ўтказилади.

5.21. Тафтиш комиссияси аъзоси бир вақтнинг ўзида Ҳудудий бўлимнинг бошқа раҳбар органи аъзоси бўлиши мумкин эмас.

5.22. Тафтиш комиссиясининг аъзолари Ҳудудий бўлим бошқарув органларининг йиғилишларида маслаҳат овози бериш ҳуқуқи билан қатнашишга ҳақлидирлар.

5.23. Тафтиш комиссиясининг ваколатларига қуйидагилар киради:

- Ҳудудий бўлимининг молиявий-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш;
- Ҳудудий бўлимининг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш далолатномасини тасдиқлаш учун Ҳудудий бўлим Кенгашига тақдим этиш;

5.24. Тафтиш натижалари ва таклифлари Ҳудудий бўлим Кенгаши томонидан кўриб чиқилади ва тегишли карорлар қабул қилинади.

VI. ҲУДУДИЙ БЎЛИМ МОЛЬ-МУЛКИ ВА ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ШАКЛЛАНТИРИШ МАНБАЛАРИ:

6.1. Ҳудудий бўлим ўз фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган исталган, муомалада тақиқланмаган ва чекланмаган, мулкка эгалик қилиши мумкин. Ҳудудий бўлим мол-мулклари асосий ва айланма воситалардан иборат. Ҳудудий бўлим ва уларнинг таркибидаги тузилмаларнинг мулклари, Ҳудудий бўлим бошқарув аппаратининг умумий мулки ҳисобланади:

6.2**.** Ҳудудий бўлим мулки ва воситаларини шакллантириш манбалари:

- ихтиёрий бадаллар ва хайриялар;
- тадбиркорлик фаолиятидан тушган тушумлар;
- ресурсларни жалб этиш бўйича фаолиятдан келган ва турли тадбирларни ўтказишдан келган тушумлар;

- Ҳудудий бўлим корхоналарининг даромадидан келган тушумлар;
- аъзолик бадаллари;
- грант лойиҳалари, давлат ижтимоий буюртмалари, давлат субсидиялари;
- ношрлик фаолиятидан келган тушумлар;
- амалдаги қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа тушумлар.

6.3. Ҳудудий бўлим молиявий маблағлари ва мулкини Ҳудудий бўлим номидан Ҳудудий бўлим Раиси бошқаради ва тасарруф қилади. Ҳудудий бўлимининг ҳар бир алоҳида аъзоси Ҳудудий бўлимга тегишли мулкка нисбатан мулк ҳуқуқига эга эмас.

6.4. Ҳудудий бўлимнинг тадбиркорлик ва бошқа фаолиятидан олинган даромадлар унинг аъзолари ўртасида қайта тақсимланиши мумкин эмас ва фақатгина Ҳудудий бўлим мақсад ва вазифаларига эришиш учун ишлатилади.

6.5. Ҳудудий бўлим аъзолари мулк ва пул маблағларини Ҳудудий бўлим эгалигига текинга беришлари мумкин.

6.6. Ҳудудий бўлим ўз мажбуриятлари юзасидан қонунларга мувофиқ ундириш қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки билан жавоб беради.

VII. ҲУДУДИЙ БЎЛИМ ҲИСОБОТЛАРИ:

7.1. Ҳудудий бўлим, рўйхатга олган органга, солиқ ва статистик органларга ўз фаолияти тўғрисида белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этади. Шунингдек, Ўзбекистон Ногиронлар Ассоциация раисига ҳар чоракда ёзма равишда маълумот тақдим этади.

7.2. Ҳудудий бўлим раҳбар органлари томонидан қабул қилинган қарорлар ва ушбу бўйича йиғилиш баённомалари ҳамда маълумотлар белгиланган тартибда рўйхатга олган органга ва Ўзбекистон Ногиронлар Ассоциация Раисига тақдим этилади.

7.3. Ҳудудий бўлим ўз фаолияти натижаларини ҳисобини юритади ва ўрнатилган тартибда рўйхатга олган, солиқ ва статистик органларга ҳисоботлар тақдим этади.

7.4. Ҳудудий бўлим фаолиятининг молиявий натижалари йиллик бухгалтерия ҳисоботлари асосида аниқланади.

7.5. Ҳудудий бўлим фаолиятини молиялаштириш манбалари ва маблағларни сарфлаш тўғрисидаги декларацияни, мавжуд аъзоларнинг сони тўғрисидаги маълумотни қўшган ҳолда, ҳар йили ўтган йилдаги ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот топширади.

XIII. ҲУДУДИЙ БЎЛИМ НИЗОМИГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ:

8.1.Ушбу Низомга ўзгариш ва қўшимчалар Ўзбекистон Ногиронлар Ассоциация марказий бошқарув Кенгаши қарори билан киритилади ва Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг тегишли ҳудудий бошқармасидан ўрнатилган тартибда рўйхатидан ўтказилиши лозим.

IX. ҲУДУДИЙ БЎЛИМ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ, ВА УНИ ТУГАТИШ ТАРТИБИ:

9.1. Ҳудудий бўлим Ўзбекистон Ногиронлар Ассоциация марказий бошқарув Кенгаши қарорига ассосан ташкил қилинади.

9.2. Ҳудудий бўлим тугатиш ёҳуд Ўзбекистон Ногиронлар Ассоциация марказий бошқарув Кенгаши қарори бўйича, ёҳуд Суд қарори бўйича қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

9.3. Ҳудудий бўлимнинг қайта ташкил этиш Ўзбекистон Ногиронлар Ассоциация марказий бошқарув Кенгаши қарорига биноан бирлашиш, қўшилиш, бўлиниш, ажралиб чиқиш ва ўзгартириш йўли билан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

9.4. Ўзбекистон Ногиронлар Ассоциация марказий бошқарув Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг тегишли ҳудудий бошқармаси билан келишган ҳолда тугатиш комиссиясини тайинлайди.

9.5. Ҳудудий бўлим тугатилиши натижасида қолган мулк ва пул маблағлари Ўзбекистон Ногиронлар Ассоциация марказий бошқарув Кенгаши қарори бўйича қарз

берувчилар талаблари қондирилгандан кейин Ҳудудий бўлим низомида кўзда тутилган мақсадларга йўналтирилади ёки ҳайрия мақсадида сарфланади.

Ҳудудий бўлим раиси